

Ушбу мақолада профессор Инобат Ширинованинг дадаси Анвар Ширинованинг ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилинади.

ТУПЧИНИНГ БАХТИ

Анвар отани “муштдай” болалик давримдан яхши танирдим. Уша пайтларда чўзинчоқ юзи, учи юқорига қайрилган коп-кора мўйлови, офтобда қорайган, сиражин пешонаси, қуюқ қошлари уни ўта жиддий, баджаҳл одам сифатида кўрсатарди. Кейинчалик пича ҳарф танийдиган ёшимга етгач, эллингинчи йилларнинг раҳбарларига русум бўлган ғалифе шим кийган, колхоз ажратган отда эрта-ю кеч дала айланиб юрадиган отахонни “Синчалак” қаҳрамонларидан бири Қаландаровга ўхшатадиган бўлдим. Такдир тақозоси билан 1968 йил охирларида Чолтуқайдаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ёшлари сардори бўлиб иш бошладим ва колхознинг икки бўлимидан бирини бошқараётган Анвар отани янада яқиндан билишга мушарраф бўлдим.

Ҳофизамда муҳрланиб қолган воқеалардан бири раисимиз ҳар кун кечқурун ўтказадиган “наряд”ларга Анвар отанинг доим вақтидан ярим соат аввал етиб келиши экан. У ярим соат ичида хўжалик раиси ёрдамчиси, колхоз “мияси” Нозим акадан ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимнинг бригада бошликлари берган маълумотларни олиб, ўзидаги билан солиштирар, нотўғри берилган рақамлар бўлса тўғрилатиб қўяр, мажлисда кундалик иш якунлари юзасидан сўзга чиққанида эса гапини лунда, дон-дон қилиб гапирар, кунлик жараёндан тулик хабардорлиги учун саволларга ҳам қатъий ва аниқ жавоб берарди. Раисимиз, ўз вақтининг донгдор пахтакори, Меҳнат Қаҳрамони Ҳайдар ака Жумабоев “ижро интизомини Анвар акадан урганинглари” деган гапни қўл таъкидларди. Буни эшитган чорва бухгалтери, доимий ҳазилкаш Мавлон ака Нектоев:

—Бу йил идора ҳовлисига дарахт, гул экмайлик, Анварбойга ўхшаб, смай-ичмай, жонини жабборга бериб ишлаганлар учун ҳайкалга жой қолсин,-деб ҳаммани қўлдирарди.

Ҳисобчининг бегараз ҳазили бежиз эмас экан. Анвар ота ўзидан кейинги авлодга ажойиб бир ҳайкал қўлдирди. Бу ҳайкал

фақат бошқа обидалардан фаркли уларок очик майдонда эмас, хамкишлоқларимиз қалбидан жой олди...

Кейинчалик эшитсам, Анвар ота 1943 йилда кунгилли бўлиб урушга отланган, 175-лсчко артиллерия бригадаси тупчилари сафида икки йилдан ошиқ вақт жанг қилиб, ота макони Форишга галаба нашидаси билан соғ-саломат қайтган экан. Кунгилли деганим шуки, уша пайтлар узок тоғ кишлоғи Ухумда Анварбойдек саводли ёшлар кам бўлиб, давлат уларни урушга жалб қилмаслик учун “брон” жорий қилганди. Уруш бошланган бир ярим йилида ухумликларнинг унлаб оилалари жудолик азобини бошидан кечирган, шунинг учун хам “брон”га сазовор бўлганларга хавас билан қаровчилар куп эди. Бирок ёшлар ташкилоти фаоли, тарғиботчи сифатида фронтдаги вазият, қўшинларимизнинг мардона жанг қилиб, мамлакат ҳудудларини қаричма-қарич душман исканжасидан халос қилаётгани ҳақида хамкишлоқларини кунда хабардор қилиб бораётган, галла frontiда кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаётган Анварбой Ширинов ҳар гал “Қорахат” келган уйга таъзия билдиргани борганида уй эгалари унга: “Девдай ганданг билан сен мана, юрибсан, биз булсак ишонган тоғимиздан айрилиб утирибмиз”, –деб таъна қилаётгандай туюлар, уларнинг газабнок нигоҳлари юрагига укдай кадаларди. Шу боис нима бўлса, нешонамдан кураман, деб урушга отланди.

Урушнинг ҳақиқий “жазаваси” артиллерия отишмаларидан бошланишини яхши биламиз. Ҳар бир ҳужум олдидан тупларнинг гүмбурлаши қулоқни қоматга келтиради. Ҳарбийлар тилида бу “арттайёргарлик” деб аталади. Анвар Ширинов узи хизмат қилаётган артиллерия бригадаси тупчилари сафида урушнинг сўнгги дақиқасигача жанг қилди, 76 миллиметрли снарядларни ёмғирдай ёғдириб, душманга қирон келтирди. Отадан қолган ҳужжатларни титар эканман, унинг ҳақиқий мард жангчи бўлганига ишонч ҳосил қиламан. Бунга унинг куksини безаган жанговар Шухрат ордени, қатор медаллар, Германиянинг Коттбус, Люббен, Беелиц, Лукенвальд, Мариенфельд, Рангсдорф, Ратибор, Бискау каби унлаб шаҳарларини фашист унсурларидан озод қилишдаги жанговар матонати учун Бош Қўмондондан олган “Раҳматнома”лари шоҳид.

Қизиги шундаки, қаҳрамонимиз ўзининг ҳавас киларли жанговар ҳаёт йули ҳақида бирон марта мақтаниб ҳикоя қилганини эслай олмайман. Бир куни невараси уни қўярда қўймай мактаб жамоаси билан учрашувга олиб боради. Навбат келиб, даврани олиб бораётган тарих ўқитувчиси илтимос қилди:

—Анвар ота, невараларингизга уруш таассуротларингизни гапиринг.

—Нима дейман, эл қатори жанг қилдим, урушнинг оти ўчсин. — деди мухтасар қилиб ва жойига ўтирди. Мана шу икки гапнинг ўзида собиқ жангчининг юрагида жойлашиб олган хотиралар тўфони, урушдан қайтмаган етмишдан ортиқ ухумлик ҳамқишлоғининг тулқин урган соғинчи, икки ярим йиллик уруш ҳаётининг газак олган яралари мужассам эканини бироя билди, бироя билмади. Анвар ота чўнтак қовлаб, румолчасини олгани ва қўзининг намини оҳиста артганини кўрганларгина унинг шу топдаги ҳолатини тушунгандай бўлди.

Ота урушдан қайтгач, бу гал ҳам қалб амри билан, кўнгилли равишда бир гуруҳ ҳамқишлоқларига бош бўлиб, Мирзачул сари отланди. Илғор чўлқуварлар сафида янги ерлар очди, ариқ қазиди, сув қўйди, пахта етиштирди. 1950-1953 йилларда Тошкент колхоз раисларини тайёрлаш қишлоқ хўжалиги ўрта-махсус мактабини тамомлагач, салкам ун йил қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишлади. Шундан сўнг унинг пахтачилик илмини чуқур билнишини ҳисобга олиб, унга бўлим раҳбарлигини топширишди.

Анвар ота ўз хизмат вазифасига юксак даражада масъулият билан ёндошиши ҳақида ҳикоямиз бошида эслатиб ўтдик. Унинг ҳалоллик борасида ҳам зилол сувдай тоза инсонлиги алоҳида ҳикояга мавзу бўла олади. Уша йиллари жамоа хўжалигининг юзлаб гектар ерларида бедазорлар ястаниб етар, урилган беда фермадан ортиб, ҳар куни туман раҳбарлари, колхоз раҳбарияти, бош мутахассисларнинг уйларига тарқатиларди. Анвар ота мана шу имтиёздан ҳам воз кечди.

—Бедани нима қиламан, олиб бор фермага. Хотиним Бозоргул уйда. Битта соғин сиғиримизни бир амаллаб боқиб олар, — деб, беда келтирган тракторчини қайтариб юборганди ота.

Собиқ жангчидаги интилувчанлик, холислик, садокат, камтарлик, ҳалоллик каби фазилатлар фарзандларига, набираларига

ҳам ўтган. Шулардан бири, ота нзидан собит бораётган олима, биология фанлари доктори Инобатхон Шириновадир. Инобатхон биология соҳасидаги натижалари учун ўхумлик ҳамкишлоқларининг фахрига айланиб қолди. Игна билан қудуқ қазигандек машаққат билан фан номзодлиги, кейинчалик докторлиги даражасига эришган Инобатхон фан оламида, олимликда ҳалоллик ва изланувчанлик фазилатларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Ўзоқ йиллардан бери ўзи ишлаб келаётган Гулистон давлат университетида талабаларга каттиққўллиги, интилувчан шогирдларига меҳрибонлиги, жамоада камтарлиги билан ажралиб туради. Камтарлик Анвар отанинг барча фарзанд, набираларига ҳослиги табиий ҳол деб ўйлайман. Бу ирсият қонуни, қолаверса, олманинг тагига олма тушади деб, бежиз айтилмайди.

Ҳа, Анвар ота бу ҳаётда ўзи ўзига ҳайкал қўйиб кетган асл инсонлардан эди. Бу ҳайкалдан баҳраманд бўламан деганларга ундаги юртпарварликни, меҳнаткашликни, одамгарчиликни, камтарликни, беғаразлик ва самимиятни урганишни маслаҳат берган булардим.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси
“Янги Сирдарё” (“Сирдарё ҳақиқати”)
№20, 21 май 2021 йил.